РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

УМАРОВА ГУЛРУҲ ШАВКАТОВНА

ҚЎЛ ВА ОЁҚЛАР СУЯКЛАРИНИНГ ЯХШИ СИФАТЛИ ЎСМА ВА ЎСМАСИФАТ КАСАЛЛИКЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

УКК: 61. 611.7. 616-089. 616-006

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации

Contents of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Умарова Гулруҳ Шавкатовна
Қўл ва оёқлар суякларининг яхши сифатли ўсма ва ўсмасифат касалликлари диагностикаси ва жарроҳлик йўли билан даволаш 3

Умарова Гулрух Шавкатовна
Диагностика и хирургическое лечение доброкачественных опухолевых и опухолеподобных заболеваний костей конечностей..... 21

Umarova Gulrukh Shavkatovna
Diagnositics and surgical treatment of benign tumors and tumor-like diseases of the extremities bones..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 45

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

УМАРОВА ГУЛРУҲ ШАВКАТОВНА

ҚЎЛ ВА ОЁҚЛАР СУЯКЛАРИНИНГ ЯХШИ СИФАТЛИ ЎСМА ВА ЎСМАСИФАТ КАСАЛЛИКЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib686 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгашнинг веб сахифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	**Асилова Саодат Убайевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Худойбердиев Кобил Турсунович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Полатова Джамила Шогайратовна тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100147, Тошкент шахри, Махтумкули кучаси, 80 уй. Тел.:(+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмийамалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шахри, Махтумкули кўчаси, 80 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э. Ирисметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

А.П. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятн. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 1,71 миллиард дунё ахолисида таянч-харакат аъзолари касалликлари қайд этилган, уларнинг 30-35% ни яхши сифатли суяк ўсмалари ташкил этади[1]. Сурункали оғриқ синдроми, қўл-оёқлар ёки уларнинг қисмлари ампутацияси, ногиронлик,

шунингдек, меҳнат қобилиятининг чекланиши ҳамда ҳаёт сифатининг пасайиши каби асоратлар кузатилмоқда, шу сабабдан эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда қўл ва оёқ суяклари ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш борасида, жумладан жарроҳлик муолажасининг каминвазив усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суякнинг зарарланган қисми кюретажи, оригинал резекция усуллари, орган бутунлигини сақлаб қолиш тактикаси, пострезекцион дефектда суяк пластикаси ва аутопластикаси, такомиллаштирилмоқда; пластика материалини танлаш муҳокама қилинмоқда; абластик ва радикал операциялар, узун суякларни металл имплантатлар билан тотал алмаштириш усуллари, микро- ва реконструктив хирургия, суяк тўқимасига илғор регионар кимёвий ва физикавий таъсир қилиш, шу жумладан совуқ ва иссиқ плазма билан ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга операциядан кейинги нуқсонларга ишлов бериш учун 3D навигация технологиялари, нуқсонлар пластикаси учун транплантатларни ҳосил қилиш усули, электрокоагуляция, суюқ азот ва бошқалар каби турли физикавий усуллар такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўтказилган тадқиқотларга қарамай каминвазив усуллар ёрдамида ташхислаш ва хирургик даволашга оид такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш зарурияти борлигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат сифатини жахон андозаларига тенглаштириш, замонавий усулларни амалиётга жорий этиш, жумладан травматология ва ортопедия сохасида кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада таянч-харакат тизими касалликларини даволаш ва уларнинг асоратларини камайтириш бўйича ижобий натижалари қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегияси асосида аҳолига, «...тиббий ёрдам сифатини ошириш ва яхшилаш...»[2] каби вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, айниқса, яхши сифатли ўсма ва ўсмасифат касалликлар бўлган беморларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва такомиллаштирилган усуллар хамда ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

[1] https://www.who.int/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йиллар давомида онкологик хизматни янада ривижлантириш ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик ёрдам беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4159-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларнни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лион халқаро ўсмаларни ўрганиш агентлиги маълумотларига кўра, ўсмаларнинг суякларда учраш сони, турли суяклардаги жойлашишига қараб, 2%дан 28,5%гача ташкил этади (Чиссов В.И., Давидова М.И., 2017). Суякларнинг ўсма ва ўсмасифат касалликларини ўз вақтида ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш ортопедлар орасида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Масаланинг бундай аҳамияти патологиянинг кенг тарқалиши, сабаблари ва клиник йўналишнинг ноаниқлигидан келиб чиқади (Trigui M. ва бошқ., 2008; Nielsen G.P., 2013; Шевалаев Г.А., 2014). Ушбу касалликларнинг ташхисланиши кенг кўламли тадқиқотларга эга. Муаллифларнинг фикрича, МСКТ ўсма ҳосиланинг нозологик алоқадорлигини 93,2% гача ва жараённинг моҳиятини 95,6% гача ишончли аниқлашда афзалликларга эга (Seeram E., 2015; Jeys L., 2016; Jo V.Y., 2014; 2016), бу эса жарроҳлик аралашувини режалаштириш босқичида хирургик даволаш кўлами ва тактикасини аниқлашда муҳим (Махсон А.Н., 2001; Павлов Р.Н., 2003; Garnon J., 2017; Khan F.A., 2016). Компьютерли ташхислаш технологиялари жорий этилиши билан каминвазив жарроҳлик аралашуви усуллари фаол қўлланила бошлади (Aponte-Tinao L., 2015; So T.Y.C., et all., 2015; Outani H., 2013). Бироқ, касалхонага ётқизиш босқичигача ва касалликнинг дастлабки босқичларида асоратларга олиб келиши мумкин бўлган ноаниқликлар учрамоқда (Özkan E.A., 2015; Павлов Р.Н., 2003; Santini-Araujo E. 2015; Молов Х.Х., 2012).

Ўзбекистонда суяк онкопатологияси ҳақидаги таълимотнинг ривожланишига Абдурасулов Д.М., Муратходжаев, Гафур-Ахунов М.А. ва бошқалар каби атоқли профессор олимлар катта ҳисса қўшдилар, улар хавфсиз ва чегаравий, хавфли жараёнларни, шунингдек суяклардаги метастатик ўзгаришларни ўрганадиган мактабни яратдилар. Ушбу мактабда таҳсил олган олимларнинг изланишлари ампутация ўрнига бўғимларни ва

уларнинг яқинида жойлашган томирларнинг эндопротезлашга (Гафур-Ахунов М.А., 2010) ёки ҳатто қўл ва оёқларнинг бутун қисмларини мегапротезлари билан алмаштиришга олиб келди (Шарипов М.М., Ўринбоев С.Д., Савкин А.В., 2020). Онкопатологиянинг ген маркерларини, шунингдек ортопедия учун ҳам қўллаш мумкин бўлган адювант терапияни тадқиқ этишдаги илмий ишланмалар мавжуд (Полатова Дж.Ш., Гафур-Ахунов М.А., 2018). Бундан ташқари, болаларда суяк нуқсонларининг цементопластикаси қўлланилган (Мустафоев Т.К., 2014). Аммо, бу патологиянинг юқоридаги ўсиши бизга онкоортопедия класциклари томонидан таклиф қилинган анъанавий усулларда тўхтаб қолмасликка ва мавжуд усулларни ривожланаётган технологиялар билан биргаликда яхшилашга имкон беради (Демичев Н.П., Арустамян Э.Э., 2008; Иванов В.В., Шитиков Д.С., 2014; Черенков В.Г., 2020).

Жаҳон адабиётида жарроҳлик билан даволашнинг энг кенг тарқалган усуллари таклиф қилинган. Қўл–оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликлари билан оғриган беморларни даволаш стандарти – бу радикал операциялар бўлиб, уларнинг мақсади – нуқсонли соҳага физикавий ёки кимёвий эритмалар ёрдамида антибластика мақсадида ишлов беришни қатъиян назарда тутган ҳолда, соғлом тўқималар ичидаги патологик ўчоқни олиб ташлашдир (Keijser L.C. et all., 2002). Унинг асосий таркибий қисмлари экскохлеациялар бўлиб, унунг кейинги босқичи сифатида бўшлиққа крио-, электро- ёки кимёвий ишлов бериш ва нуқсонни аллопластик материал билан алмаштириш ёки патологик ўчоғини олиб ташлашни ўз ичига олган суяк резекцияси (томонли, сегментар) ва ундан кейин нуқсоннинг алло- ёки аутопластикаси, ўтказиб юборилган ҳолатларда эса, қўл ва оёқларни эндопротезлаш ёки ампутация қилиш таклиф этилади (Серикбаев Г.А. 2015; Зацепин С.Т., 2001; Демичев Н.П., Дианов С.В., 2008; Иванов В.В., 2015; Черенков В.Г., 2020). Ишлаб чиқилган ташхис қўйиш ва жарроҳлик муолажалари пайтидаги КТ-навигация патологик ўчоққа кириш имконияти мавжудлиги, киришнинг хавфсизлиги ва асбоблар йўналишини баҳолаш имконини беради (Wонг К.С., 2017). Аммо шу пайтгача кам инвазив жарроҳлик усуллари асбоб-ускуналарнинг баланд нархлари ва юқори радиацион юклама туфайли суяк патологиясида кенг қўлланилмаган (Barei D.P., et all., 2000; Wright J.G., et all., 2008; Филиппов В.С., 2011). Шундай қилиб, кам инвазив усуллардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар жуда кам клиник материалларга асосланган; бу усулларни суякнинг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволашда қўллаш учун аниқ асос йўқ, бу эса соҳада кейинги тадқиқотлар олиб борилишига ундайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган СС-А-2021-12-сон «Қўл–оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини эрта ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан

даволашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» грант иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасимон касалликларини дифференциал ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларининг дифференциал ташхислаш тактикасини ишлаб чиқиш;

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларида ўсманинг катталиги ва локализациясини аниқлаш орқали хирургик даволашнинг дифференциал тактикасини аниқлаш;

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларида суяк деворларини сақлаб қолишга имкон берувчи каминвазив ва хирургик даволаш усулини такомиллаштириш;

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларнинг клиник холатини операциягача ва операциядан кейинги даврларда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларни даволаш натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази ва Республика 1-сон клиник шифохоналарида қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўйича 2015-2018 йилларда даволанган 5 ёшдан 64 ёшгача бўлган 112 бемор ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларда клиник, рентгенологик, мультиспирал компьютерли томография ва магнит-резонансли томография тадқиқотлари натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари илмий ишни бажариш жараёнида рақамли рентгенография, МСКТ, МРТ, гистологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

Илк бор қўл ва оёқ суяклари ўсмалари ва ўсмасифат касалликларида суякдаги патологик ўчоққа олдиндан белгилаш ёрдамида каминвазив муолажани амалга ошириш ва даволашни соддалаштириш имконини берувчи хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

қўл ва оёқ суяклари ўсмалари ва ўсмасифат хосилаларини хирургик олиб ташлангандан кейин суяк девори шикастини олдини олиш имконини берувчи ва электрокоагуляция хамда фаол кислородга асосланган физикавий ва кимёвий воситалар ёрдамида бўшлиққа ишлов бериш усули такомиллаштирилган;

қўл ва оёқ суяклари ўсмалари ва ўсмасифат хосилаларининг шакли, ички тузилиши, ташқи чегараси, хажми, жойлашишига кўра ажратилган эрта

дифференциал нур ташхиси белгилари асосида патологик ўчоқ сифати (характерини) аниқлаш мумкинлиги исботланган;

қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликларида патологик ўчоқнинг жойлашуви ва ҳажмини эътиборга олган холда биринчи марта жаррохлик муолажа тури ва суяклар пластикаси материалини танлашда дифференциал ёндашув асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликларининг эрта босқичларида радиологик текширувлар асосида диагностик мезонлар комплексидан фойдаланишнинг самарадорлиги исботланган;

қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликларида патологик ўзгаришлар ўчоғи чегарасида соғлом деворларни сақлаб қолиш ва суяк бўшлиғига ишлов беришнинг комбинацияланган усулини қўллаган ҳолда органларнинг максимал сақланиб қолишига эришишга имкон берувчи даволашнинг такомиллаштирилган каминвазив жарроҳлик усулини қўллаш самарадорлиги исботланган;

патологик жараённинг ҳажми ва локализациясини ҳисобга олган ҳолда қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини даволаш усулини танлаш тактикаси беморларни даволашга селектив ёндашишга имкон бериши исботланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник-инструментал ташхислаш усуллари, жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари ва олинган маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усуллари билан тасдиқланган ва олинган барча натижалар хамда хулосалар далилларга таянувчи тиббиёт тамойилларига асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, нурли ташхислаш мезонларини аниқлаш ва тизимлаштириш ҳисобига қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини даволашда патологияни автоматик аниқлаш учун ЭҲМ дастурини яратиш, жараённинг табиати ва унинг ҳар бир патология турида клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, органларни сақлаб қолувчи каминвазив операцияларни ўтказиш учун аниқ кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш, шунингдек суяк бўшлиғига ишлов беришнинг органларни максимал сақлаб қолувчи усулларидан фойдаланиш, патологик тўқималарни максимал олиб ташлаш ҳамда патологик ўчоқнинг катталиги ва локализациясига қараб, суяк пластикаси усулларига дифференциал ёндашувни қўллаш орқали ўсманинг қайталанишининг олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган усулини қўллаш самарадорлиги, бу усул патологик ўчоққа киришни соддалаштириши, каминвазив муолажани ўтказишга ва органларнинг максимал сақланиши учун фаол кислородга

асосланган электрокоагуляция ва кимёвий воситаларни бирлаштириб, суяк бўшлиғига ишлов бериш усулини қўллашга ва патологик тўқималарни максимал олиб ташлашга имкон бериши ҳамда некротик асоратларнинг ҳосил бўлмаслигини таъминлаши, клиник ва рентген маълумотларни жарроҳлик йўли билан даволашдан олдин ва кейин қиёсий жиҳатдан бирлаштириш орқали уларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларида кистоз ҳосилаларини хирургик даволашни мукаммаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида Интеллектуал мулк агентлигининг «Қўл ва оёқнинг узун найсимон суякларининг кистоз ҳосилаларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули» ихтирога патент олинган (IAP 05867, 04.06.2019 й). Олинган натижалар суякдаги патологик ўчоққа каминвазив муолажа ёрдамида даволаш ва атрофдаги тўқималарнинг шикастланишини камайтириш, операция вақтини, эрта реабилитацияни ва қўл-оёқ функциясини тиклаш вақтини қисқартириш имконини берган;

узун суякларда қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича Интеллектуал мулк агентлигининг «Узун найсимон суякларнинг кистоз ҳосилаларини даволаш усули» фойдали моделига патент олинган (FAP 01415, 28.08.2019 й). Олинган натижалар ўсма билан чегарада бўлган соғлом суяк деворларини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда, суяк бўшлиғига комбинацияланган усулда ишлов беришга асосланган даволаш усули суяк тукимасини максимал даражада сақлаш имконини берган;

қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида «Турли жойлашган суяк хондромаларини даволаш усули» номли услубий тавсияномаи тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 8н-д/32-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни яхшилаш, тўқималар жарохатини камайтириш, қўл-оёқлар функциясини тиклаш имконини берган.

Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларига чалинган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, жумладан, Республика болалар ортопедия маркази, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 сентябрдаги 08-09/11598-

сон маълумотномаси). Олинган натижалар қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни 96,2 %гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6та мақола, жумладан, 1таси республика ва 5таси хорижий журналларда нашр этилган. 1та ихтиро ва 1та фойдали модельга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётда тадбиқ этиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари ташхисланиши ва жарроҳлик йўли билан даволашга замонавий нуқтаи назар (Адабиётлар таҳлили)»** деб номланган биринчи боби қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларининг этиопатогенезига оид замонавий адабиётларнинг, уларнинг клиник кўриниши, ташхисланиши ва мавжуд даволаш усулларининг таҳлилига бағишланган. Мазкур патологияни ташхислаш ва даволаш муаммолари бўйича адабиётлардаги маълумотлар таҳлили ўтказилган, мавжуд жарроҳлик даволаш усуллари ва суяк пластикаси усуллари тавсифланган ва бу муаммоларнинг урганилмаган жихатлари ёритилган. Бўлим қисқа хулоса билан тугайди.

Диссертациянинг **«Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида беморлар характеристикаси, клиник ва инструментал текширув (рентгенография, МСКТ, МРТ) ва статистик текширув усуллари ёритилган. Қўл ва оёқ суякларининг ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўйича 2015-2018 йилларда даволанган 112 беморнинг текширув натижаларининг таҳлили ўтказилган. Беморларнинг ёши 5 ёшдан 64 ёшгача. Беморларнинг 60 нафарини

(53,4%) эркаклар, 52 нафарини (46,4%) аёллар ташкил этди. Уларнинг 49 нафари болалар, (43,7%) ва 63 нафари (56,3 %) катталардир.

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди, асосий гуруҳ (n = 57) ва назорат гуруҳи (n = 55). Асосий гуруҳга рентген назорати остида биз таклиф қилган каминвазив усулга мувофиқ CR-ёйи назорати остида операция қилинган беморлар киритилган.

Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмаси ва ўсмасифат касалликлар асосан 12-14 ёшдаги болаларда кузатилган. Катта ёшлиларда у энг кўп 18-44 ёшларда учрайди. Таҳлил шуни кўрсатдики, энхондрома катталарда кўпроқ учраса, фиброз дисплазия кўпроқ болаларда, оддий суяк кисталари эса ҳар икки ёш гуруҳидаги беморларда бир хил частотада учрайди. Қўл соҳасида 55 (49%) ҳолат қайд этилган, шундан 13 (11%) беморда оддий киста, 42 (37%) беморда энхондрома, 4 (3%) беморда Олье касаллиги бўлган. Уларнинг локализацияси асосан кафт суяклари ва бармоқлар соҳасида бўлган.

12 (10%) беморда сон соҳасидаги суяк кистаси, 2 (2%) беморда фиброз дисплазия ва 1 (1%) беморда энхондрома бўлган. Уларнинг локализацияси асосан сон суягининг дистал қисмида жойлашган. Болдир соҳасида 23 (20%) беморда патологик ўчоқлар қайд этилган: 12 (11%) беморда оддий киста, 4 тасида (14%) фиброз дисплазия ва 3 (3,0%) нафар беморда энхондрома ва 8 (7%) нафарида киста ҳосиласи. Уларнинг локализацияси асосан катта болдир суяги метадиафиз соҳасида бўлган. Оёқнинг панжаси соҳасида 4 (3%) беморда суяк кистаси, 3 (2%) беморда энхондрома ва киста аниқланган. Уларнинг жойлашиши асосан оёқ панжаси суякларининг метадиафизида бўлган.

Беморларни клиник текширувлар вақтида касаллик анамнезини тўплаш эътиборга олинди, бунда болаларнинг умумий жисмоний ва маҳаллий ҳолатини баҳолаш учун ота-оналари жалб қилинди. Бундан ташқари, оғриқ интенсивлиги ва қўл-оёқ функциясининг бузилишларини баҳоланди. Ишлаб чиқилган шкала касалликнинг носпецифик клиник хусусиятларини рентген куриниши билан биргаликда хосилаларини фарқлашга имконини берди, бунинг асосида ташхислашнинг клиник алгоритми ишлаб чиқилди. Оғриқ аломатини баҳолаш баллар ортган сари оғриқнинг интенсивлигини баҳолашга асосланган 5 балли шкала ёрдамида амалга оширилди (1-жадвал). Оғриқ синдромининг кучлилиги, шунингдек уни йўқолиш самарадорлиги баҳоланган. Горизонталь жойлашган шкала мезонлари ёрдамида белгиланган оғриқни баҳолаш натижалари энг объектив деб ҳисобланди. Масалан, визуал аналогли шкала. Бироқ, бу мушак-скелет тизимининг патологияларида оғриқнинг интенсивлиги билан бевосита боғлиқ бўлган дисфункцияни баҳолашда етарли маълумотлар бера олмайди. Шунинг учун биз оғриқни, бўғимнинг функционал бузилишларини ва зарарланган қўл ва оёқ суяги деформациясини баҳолаш учун вертикал шкалани таклиф қиламиз. Улар бир ёки бир нечта функцияларнинг бузилиши билан биргаликдаги оғриқ сезгиларини баҳолаш билан, бузилиш даражасига қараб баллар ортиши кўринишида, боғлиқ бўлади, бу эса уларнинг ўзгаришини қулай ва аниқ акс эттиради.

1-жадвал

Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларнинг жарроҳлик билан даволашдан кейинги ҳолатини баҳолаш шкаласи

Оғриқнинг хусусияти	Деформациянинг намоён бўлиши	Қўл ва оёқлар функцияси бузилишининг намоён бўлиши	Ўчоқдаги рентгенологик ўзгаришлар
Оғриқлар йўқ 0	Сезиларли ўзгаришлар йўқ (0)	Сезиларли ўзгаришлар йўқ (0)	Суякларда сезиларли ўзгаришлар йўқ Tordai 0 (0)
Чидамли оғриқ (1)	Бироз қалинлашиш 20%гача (1)	Функциянинг арзимас даражадаги бузилишлари 20% гача (1)	Бўшлиқ диаметри 3 мм дан ошмайди Tordai I (1)
Безовта қилувчи оғриқ (2)	Ўртача қалинлашиш 30% гача (2)	Функциянинг ўртача бузилиши 30% (2)	Бўшлиқ диаметри 4 дан 10 мм гача Tordai II (2)
Кучли оғриқ (3)	Суякнинг маълум бир сегменти 40% ёки ундан кўп қалинлашган сезиларли деформация (3)	Турмуш ишларидаги функционал бузилишлар ёки 40% гача бузилиш (3)	Диаметри 20 мм дан ортиқ бўшлиқ Tordai III (3)
Жуда кучли оғриқ (4)	Қўл ва оёқнинг ёйли деформациялари (4)	Енгил юкланишлардаги ёки 50% ва ундан кўпроқ функционал бузилиш (4)	Диаметри 30 мм дан ортиқ бўшлиқ Tordai IV (4)
Чидаб бўлмайдиган оғриқ (5)	Қўл ва оёқ деформациялари (5)	Функцияларни бажара олмаслик (5)	Диаметри 40 мм дан ортиқ бўшлиқ Tordai V (5)

Функция бузилишлари ва деформация даражасини аниқлаш учун биз халқаро функционал бирлик - ХФКдан (IOF, 2001) фойдаландик. Унда қарама-қарши қўл ва оёқнинг ўзгармаган қисми ёки ўша аъзонинг ўзгармаган қисми билан таққослаганда катталашиш фоизида ифодаланувчи баҳони қўлладик. Шунингдек, уни патологик ўчоқни баҳолаш рентгенологик Tordai (1990) шкаласи билан биргаликда қўлланган бўлиб, аввал биз уни даволашдан олдинги ва таққослашдаги баҳолашни соддалаштириш учун мослаштирдик ҳамда корреляция қулайлиги учун яна иккита градацияни қўшдик.

Патологиянинг асосий клиник кўринишлари оғриқ, дисфункция, контур деформацияси ва суяк шиши, шунингдек рентгенограммадаги зарарланиш ўчоғидир. Мурожаат этиш одатда касалликнинг клиник кўринишининг

биринчи 6 ойида кузатилган. Беморларнинг 10 фоизида патологик синиш аниқланган.

Диссертациянинг **«Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларни инструментал ташхислаш усулларининг натижалари»** деб номланган учинчи бобида радиологик ва морфологик ташхислашнинг умумий қабул қилинган мезонлари тизимли бирлаштирилган.

Рентген текшируви пайтида, рентген ўзгаришларнинг маълум вариантлари ва уларнинг комбинациясида ҳосиланинг хусусиятини етарлича ишонч билан тахмин қилиш, жараённинг агрессивлиги ва характери тўғрисида хулоса чиқариш мумкинлиги қайд этилди. Одатда, хавфсиз ўсмалар атрофдаги тўқималар билан аниқ чегараларга эга бўлади ва секин-аста кенгайиб ўсади.

МСКТ текширувида ўсмаларнинг рақамли 3D кўринишлари, нафақат нурли ташхислаш мутахассиси учун, балки клиник ихтисослик шифокори учун ҳам материални тасаввур қилишнинг кўргазмали ва маълумот берувчи усули эканлиги қайд этилди. МРТ текшируви пайтида Т1 ва Т2 мутасиллигига, шунингдек, ўчоқнинг ички тузилишининг хусусиятига қараб, турли хил интенсивлигидаги соялар қайд этилди. Ушбу патологиянинг дифференциал ташхислашни осонлаштириш мақсадида ЭҲМ «Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат ҳосилаларини дифференциал ташхислаш дастури» (24.04.2020 й., №DGU 08084) тузилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат ҳосилаларини дифференциал рентгенологик мезонлари

Патология (n)	Рентгенологик мезонлар						
	Асосий локализация	Форма	Контурлари	Ички структура	Суякнинг кенгаши	Периостал реакция	Суякнинг хавфли сифатга ўтиш тенденцияси
Тоғай ҳосил қилувчи ўсмалар							
Экхондрома (n=2)	Эпимета физ	Турлича	Аниқ, текис	Гетероген	Мавжуд	Йўқ	Йўқ
Энхондрома (n=34)	Метафиз	Думалоқ-овал	Аниқ, нотекис	Гетероген кальцинат билан	Мавжуд	Йўқ	Йўқ
Суяк ҳосил қилувчи ўсмалар							
Остеобласто-кластома (n=0)	Эпимета физ, Эпимета диафиз	Нотўғри думалоқ-овал	Нотекис, баъзан ноаниқ	Гетероген, хужайраси-мон тузилиш	Мавжуд	Баъ-зан	Мав-жуд

Ўсмасимон касалликлар							
Киста оддий (n=25)	Эпимета физ	Думалоқ-овал	Аниқ, текис	Гомоген	Мавжуд	Йўқ	Баъзан
Фиброз дисплазия (n=12)	Диафиз	Думалоқ-овал	Аниқ, нетўғри шаклда, склерозланган	Гетероген, хужайрасимон тузилиш	Баъзан	Йўқ	Йўқ
Фиброз-кортикал дефект (Нооссификацияли фиброма) (n=1)	Метаэпифиз, метадиа-физ	Овал-узунчоқ шаклда	Аниқ, нотекис, склерозланган	Гомоген	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Суяк емирилиши билан кечадиган ўсма синдромлар							
Олье касаллиги (n=4)	Метадиа физ	Нотўғри овал формада	Аниқ, нотекис	Гетероген	Мавжуд	Йўқ	Йўқ

Суякдаги патологик ўчоқнинг хусусиятини аниқлаш мақсадида комплекс ташхислаш зарур: рентгенологик текширув, магнит-резонансли томография ва МСКТ, бу тадқиқотлар бир-бирини тўлдиради ва ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш»** деб номланган тўртинчи бобида қўл ва оёқ суяклари хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг анъанавий ва таклиф қилинган каминвазив усуллари тавсифланган. Унга операция жойига етиш ва операциядан кейинги бўшлиққа ишлов беришдаги фарқланувчи хусусиятларнинг тавсифи ҳам берилган.

Жарроҳлик йўли билан даволашнинг усулини аниқлаш учун ишлаб чиқилган даволаш алгоритмидан «Қўл ва оёқ суякларининг хавсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини даволаш дастури»дан (10.12.2018 й., №DGU 05847) фойдаланилди. Ушбу дастур асосида патологик ўчоқнинг жойлашиш ўрни ва ҳажмига кўра остеопластик операциялар бажарилди. Ишлаб чиқилган ЭҲМ дастуридан фойдаланишда асосан қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилди.

Суяклардаги ҳосилалар ўчоқларининг ўлчамлари 2,0 смгача ёки суякларнинг қалинлиги ва узунлигининг ¼ дан кам бўлганда, суяк нуқсонлари пластикаси Коллапан-гранулалари ёрдамида амалга оширилади. Суяклардаги ҳосилалар ўчоқларининг ўлчамлари 2,0 см дан 6,0 см гача ёки суякларнинг қалинлиги ва узунлигининг 1/3 қисмидан кўпроқ бўлганда, суяк нуқсонларининг пластикаси аутосуяк ёрдамида амалга оширилади. Суяклардаги ҳосилалар ўчоқларининг ўлчамлари 6,0 см ва ундан катта ёки суякларнинг қалинлиги ва узунлигининг 1/2 қисмидан кўпроқ бўлганда, суяк нуқсонларининг пластик жарроҳлиги коллопан-гранулалари ва аутосуяк билан биргаликда ўтказилади. Ҳажми 1,0 см гача бўлган суяк ҳосилалари учун

суяк пластикаси тавсия этилмайди.

Жарроҳлик йўли билан даволашнинг каминвазив атравматик усули ишлаб чиқилди, у техник жиҳатдан мураккаб бўлмай, операция вақтини қисқартиради ва жарроҳликдан кейинги асоратларни камайтиради, қўл ва оёқларнинг функциялари тезроқ тикланишига имкон яратади. «Оёқ–қўлнинг узун найсимон суякларининг киста ҳосилаларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули» (Патент IAP 05867, 04.06.2019 й.) рентген назорати остида суякнинг патологик ўчоғига кам инвазив киришга, атрофдаги тўқималарнинг шикастланишини камайтиришга, операция вақтини қисқартиришга, эрта реабилитация бўлишга ва қўл ва оёқ функцияларининг тикланишини тезлаштиришга имкон беради.

Жарроҳлик аралашуви пайтида навигация учун CR-ёйини интраоператив ишлатиш операция вақтини қисқартириши, кесиш жойининг ўлчамини 3 см гача камайтириши имконини берди. Ишлаб чиқилган усулни бажариш услуби қуйидагилардан иборат: узун найсимон суякда жойлашган кистоз хосиласи CR-ёй ёрдамида рентген навигацияси қўллаш орқали олиб ташланди, бир вақтнинг ўзида, стерил инъекция ёрдамида терини кесишдан олдин, биз CR-ёйи назорати остида суякдаги патологик ўчоқнинг локализациясини аниқлаб, ўчоқ «белгилаб қўйилади». Шундан сўнг, биз игна ўрнида 2-4 см узунликдаги кесма қилиб, кейин москит ёрдамида, юмшоқ тўқималарни қатлам-қатлам қилиб суриб очдик. Узун найсимон суякка етиб, дрель мосламаси ёрдамида диаметри 1,5-2,0 см бўлган суяк ичига канал хосил қилинди, кистоз бўшлиқдан патологик тўқималар жарроҳлик қошиғи ёрдамида қириб олдик. Бу жараён яна бир марта CR-ёйи ёрдамида назорат қилинди. Кистоз ҳосила олиб ташлангандан сўнг, бўшлиққа 3% водород пероксиди эритмаси, шунингдек электрокоагулятор билан ишлов берилди, бу алгоритм 2 марта такрорланди. Патологик ўчоқ олиб ташланганидан кейин, барча деворлар махсус эгри учли электрокоагулятор ёрдамида ишлов берилишини таъминлаш учун яна CR-ёй ёрдамида рентген текшируви амалга оширилади. Тозаланган бўшлиқ пластик материал — Коллапан гранулалари ёки аутосуяк билан тўлдирилди, шундан сўнг кесилган жой қатламлари тикилди.

Ушбу техникага асосланиб, «Узун найсимон суякларнинг киста ҳосилаларини даволаш усули» фойдали модели таклиф қилинди (FAP 01415, 28.08.2019й.), унда 3% водород пероксиди ёрдамида ўсимта экскохлеациясидан кейин суяк бўшлиғига ишлов бериш техникаси тафсифланади. Кейин барча ички деворларнинг электрокоагуляцияси патологик ўчоқ даражасида қўлланилди, бу эса қайталанишнинг олдини олиш учун қолдиқ ўсимта тўқималарини олиб ташлаш имконини беради. Шундан сўнг, 3% водород пероксиди қайта қўллаш 30-60 сония давомида ушбу эритма билан шимдирилган дока тампонни жароҳатда маҳкамлаш билан амалга оширилади. Бу суяк ичи томирларидан қон кетишини камайтиради. Ва коагуляцияланган қўшимча механик тозалаш. Охирида, зарур ҳолларда, бўшлиққа суяк муми билан ишлов берилади. Водород пероксиди ва суяк муми билан ишлов бериш узоқ давом этадиган қон кетишининг олдини олади, бу эса

кўринишни яхшилайди ва суяк пластикасидан олдин юмшоқ тўқималарнинг шикастланишини камайтиради.

CR-ёй назорати остида суяк пластикасини 57 нафар (35%) беморда, 37 нафар (33%) беморда суяк пластикасини қўллаш, жарроҳлик аралашувини атравматик тарзда бажаришга имкон берди ҳамда ўчоққа етиб бориш жараёнини техник жиҳатдан соддалаштириб, операция давомийлигини 20-25 (48%) минутгача қисқартиришга имкон берди. Даволашнинг анъанавий усулини қўлланганда, кўпинча катта кесиш тактикаси қўлланилган. Бу техник жиҳатдан қийинроқ бўлиб, операция давомийлиги ўртача 1 соатни ташкил қилган.

Диссертациянинг **«Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликларига чалинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижалари»** деб номланган бешинчи бобда тадқиқот гуруҳларида ўтказилган жарроҳлик билан даволашнинг натижалари, даволашнинг таъсири ва натижаларининг таҳлилий ва қиёсий шарҳи келтирилган.

Даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари 90 (80%) нафар беморда ўрганилди. Даволаш самарадорлигини дастлабки баҳолаш пайтида, зарарланган ўчоқнинг рентгенограммасидан ташқари, беморларнинг операциядан кейинги клиник текшируви ўтказилди. Жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижалари ўрганилди, даволаш натижаларининг баҳолаш мезонлари биз тавсия этган 5 балли шкала ёрдамида баҳоланди, унинг асосида «Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат касалликлари бўлган беморларнинг ҳолатини жарроҳлик йўли билан даволашдан олдин ва кейин баҳолаш дастури» (23.10.2020дан № DGU 09454) ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган.

Операциядан олдин болаларда, тавсия этилган шкала бўйича ўртача балл йиғиндиси асосий гуруҳда 17.02 ± 0.29 ва беморларнинг назорат гуруҳида 17.40 ± 0.31 эди. Операциядан сўнг, 1 ой ўтгач, асосий гуруҳда 11,4 ± 0,18 балл ва беморларнинг назорат гуруҳида 12,93 ± 0,22 балл қайд этилди, бу қониқарсиз деб баҳоланди, биз уни иммобилизация ва репаратив жараёнларнингбир ойдан кейин бошланиши оқибатидаги функция етишмаслиги билан боғлаймиз. Тадқиқотнинг 3-ойи маълумотлари асосий гуруҳда 8,83 ± 0,17 ва назорат гуруҳида 9,94 ± 0,17 умумий баллни кўрсатиб, бу беморнинг қониқарли ҳолати сифатида баҳоланди. Тадқиқотнинг 6-ойида беморларнинг аҳволининг баллар йиғиндиси бўйича беморларнинг асосий гуруҳида 6,22 ± 0,22 балл ва назорат гуруҳида 6,66 ± 0,128 баллни ташкил этди, бу билан асосий гуруҳ беморларининг аҳволи яхши, назорат гуруҳидаги беморларнинг қониқарли деб баҳоланди. 9 ой ўтгач, асосий гуруҳда 5,50 ± 0,16 балл, беморларнинг назорат гуруҳида эса 6,37 ± 0,11 баллга тенг бўлди, бу эса беморларнинг аҳволини яхши деб баҳолаш имконини берди. 12 ойлик кузатувдан сўнг, баллар йиғиндиси асосий гуруҳда 1,00 ± 0,07 баллга ва беморларнинг назорат гуруҳида 1,57 ± 0,11 баллга тенг бўлди, бу иккала кузатув гуруҳининг ҳолатига аъло баҳо берди. Тадқиқотнинг 24-ойи

маълумотлари асосий гуруҳда жами 1,00 ва назорат гуруҳида 1,75 ± 0,07 баллни кўрсатди, бу бемор болаларнинг ҳар икки гуруҳида ҳам беморнинг аҳволи аъло деб баҳоланди (1,2 расм).

Катта ёшдаги беморларда операциядан олдин, тавсия этилган шкала бўйича ўртача балл йиғиндиси асосий гуруҳда 17.02 ± 0.15, беморларнинг назорат гуруҳида 17.71 ± 0.12балл бўлди.



Расм 1. Операциядан олдин ва кейин болаларда тавсия этилган шкала бўйича беморлар холати мониторинги (p<0,05)



Расм 2. Операциядан олдин ва кейин болаларда MSTS шкаласи бўйича беморлар холати мониторинги (p<0,05)

Операциядан кейинг 1 ойлик кузатувдан сўнг, баллар йиғиндиси асосий гуруҳда 11,4 ± 0,12 балл ва назорат гуруҳида 13,09 ± 0,22 баллни ташкил этди, бу қониқарсиз деб баҳоланди, биз буни иммобилизация ва репаратив жараёнларнинг кеч бошланиши ҳисобига функциянинг етишмаслиги билан ҳам боғлаймиз. Тадқиқотнинг 3-ойи маълумотлари умумий гуруҳда 8,87 ± 0,16 ва назорат гуруҳида 10,11 ± 0,12 баллни кўрсатди, бу қониқарли ҳолат деб баҳоланди. Тадқиқотнинг 6-ойида беморларнинг аҳволи баллар йиғиндиси бўйича беморларнинг асосий гуруҳида 7,53 ± 0,12 балл ва назорат гуруҳида 9,57 ± 0,12 баллни ташкил этди, бунда асосий гуруҳда ҳолат яхши деб

баҳоланиб, назорат гуруҳида қониқарли деб баҳоланди. Даволанишдан 9 ой кейин, асосий гуруҳда 5,44 ± 0,10 баллга ва беморларнинг назорат гуруҳида 6,48 ± 0,19 баллга тенг бўлди, бу эса кузатувнинг асосий ва назорат гуруҳларида беморларнинг аҳволини яхши деб баҳолаш имконини берди. 12 ойлик кузатувдан сўнг, баллар йиғиндиси беморларнинг асосий гуруҳида 0,94 ± 0,4 баллни ва назорат гуруҳида 1,44 ± 0,19 баллни ташкил этди, бу иккала кузатув гуруҳида ҳам беморлар аҳволига аъло баҳо берди. Тадқиқотнинг 24-ойида маълумотлар асосий гуруҳда 0,00 ва назорат гуруҳида 0,98 ± 0,14 умумий балларни кўрсатди, бу билан ҳар икки гуруҳидаги беморларнинг аҳволи аъло деб баҳоланди. (3,4 расм).

Оғриқ, функция бузилиши, суяк даражасидаги деформация, оғирлигига қараб 5 балли шкала бўйича берилган рентгенологик маълумотлар каби клиник хусусиятларни ўрганиш жадвалини қўллаш ёрдамида тадқиқот натижаларини таҳлил қилинди, ундаги кўрсаткичларнинг йиғиндиси беморнинг аҳволини объектив баҳолашга имкон беради.



Расм 3. Операциядан олдин ва кейин катталарда тавсия этилган шкала бўйича беморлар холати мониторинги (p<0,05)



Расм 4. Операциядан олдин ва кейин катталарда MSTS шкаласи бўйича беморлар холати мониторинги (p<0,05)

Ушбу усулдан фойдаланиш асосий гуруҳдаги беморларни даволашдан сўнг, 1 ойлик кузатув натижаларида тасдиқланган яхшиланишни, қониқарли натижани намоён қилиш имконини берди, беморларнинг назорат гуруҳи билан

таққослаганда, баҳо қониқарли бўлди (p< 0,05). Кузатувнинг учинчи ойида беморларнинг асосий гуруҳидаги беморларнинг аҳволи 65% ҳолларда қониқарли, 35% ҳолларда яхши, назорат гуруҳида эса ишончли тарзда 80% ҳолларда қониқарли, 20% ҳолларда яхши деб ҳисоблаш мумкин (p< 0,05). Кузатувнинг олтинчи ойида беморларнинг асосий гуруҳидагиларнинг аҳволи 100% ҳолларда яхши бўлган, назорат гуруҳида эса 15% ҳолларда қониқарли, 85% ҳолатларда яхши деб ишончли баҳолаш мумкин бўлди (p< 0,05). Кузатувнинг тўққизинчи ойида беморларнинг асосий гуруҳидагиларнинг аҳволини баҳолаш 100% ҳолларда яхши бўлган, назорат гуруҳида эса 15% ҳолларда қониқарли, 85% ҳолатларда яхши деб ишончли ҳисоблаш мумкин бўлди (p< 0,05). 12 ойлик кузатувлар иккала кузатув гуруҳларида ҳам аъло натижаларни кўрсатди.

Бундан ташқари, ишончли баҳолаш учун самарадорлик мезони халқаро Musculo Skeletal Tumor Society (MSTS) шкаласи бўйича 23 ва ундан юқори балл мезонларига мувофиқ қўлланилди (Uehara K. et al., 2017). Унга кўра, операциядан кейинги кузатувнинг 3-ойида асосий ва назорат гуруҳларида, тегишлича, 38% ва 21% ҳолларда яхши натижалар қайд этилган, кузатувнинг 6-ойида асосий гуруҳда 100% ҳолларда, назорат гуруҳида 83% ҳолларда яхши натижалар қайд этилган (p< 0,05).

ХУЛОСАЛАР

1. Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсмалари ва ўсмасифат ҳосилаларининг дифференциал рентгенологик ташхислаш алгоритмидан фойдаланиш 89% ҳолларда жараённинг тахминий хавфсиз табиатини дифференциал ташхисланишини ишончли тарзда яхшилаш имконини беради (p< 0,05).
2. Қўл ва оёқ суякларининг хавфсиз ўсма ва ўсмасифат касалликларини даволашга дифференциал ёндашув алгоритми, паталогик ўчоқнинг жойлашуви ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, маълум бемор учун хирургик муолажа хажмини ва суяк пластикасининг вариантларни ишончли тарзда танлаш имконини беради (p< 0,05).
3. Оёқ–қўл узун суякларининг киста ҳосилаларини жарроҳлик йўли билан даволаш учун ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш CR-ёйи назорати остида патологик марказга каминвазив кириш имконини беради ва шу билан тикланиш вақтининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада тадқиқот гуруҳида 6 ±4.3 кун, назорат гуруҳида 10±3.8 кунга тенг (p< 0,05).
4. Соғлом деворларни максимал даражада сақлаган ҳолда, суяк бўшлиғига физикавий ва кимёвий воситалар комбинацияси билан ишлов беришнинг ишлаб чиқилган усулини қўллаш суяк ва юмшоқ тўқималарнинг шикастланишини ва операция давомийлигини 15 дақиқага ишончли тарзда камайтиришга имкон беради.
5. Узоқ муддатли натижаларни клиник-рентгенологик баҳолаш шкаласи ва МСТС шкаласи бўйича солиштирма баҳоланиши, назорат гуруҳига нисбатан, асосий гуруҳдаги даволаниш натижаларида ишончли тарзда яхшиланишни кўрсатади (p <0.05).

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

УМАРОВА ГУЛРУХ ШАВКАТОВНА

ДИАГНОСТИКА И ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ДОБРОКАЧЕСТВЕННЫХ ОПУХОЛЕВЫХ И ОПУХОЛЕПОДОБНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ КОСТЕЙ КОНЕЧНОСТЕЙ

14.00.22 – травматология и ортопедия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Tib505.

Диссертация защищена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.uzniito.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) и Национального агенства Узбекистана (www.uza.uz).

Научный руководитель:	**Асилова Саодат Убайевна** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Худойбердиев Кобил Турсунович** доктор медицинских наук, профессор
	Полатова Джамила Шагайратовна доктор медицинских наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 по присуждению ученых степеней при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №_____). Адрес: 100147, г. Ташкент, улица Махтумкули, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____2021 года

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года)

М.Э. Ирисметов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

А.П. Алимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, заболеваниями опорно-двигательного аппарата страдают 1,71 миллиарда человек во всем мире, 30-35% из них приходится на доброкачественные опухолевые поражения костей[3]. Улучшение ранней диагностики, лечения и мер профилактики остается актуальной проблемой для данной патологии так как она является причиной осложнений, как хронический болевой синдром, ампутации конечностей или их частей, инвалидность, а также ограниченная трудоспособность и снижение качества жизни.

В мировом масштабе проводится ряд исследований, посвященных улучшению результатов диагностики и хирургического лечения больных с опухолями и опухолеподобными заболеваниями костей конечностей, в том числе разрабатываются малоинвазивные методы оперативного лечения. Совершенствуются кюретаж и резекция пораженного участка кости, наряду с органосохранными тактиками и методиками костной пластики и аутопластики пострезекционных дефектов; обсуждаются вопросы методов костной пластики и выбора костно-пластического материала; разрабатываются методики проведения абластичности процедуры, путем применения физических и химических методов обработки костной ткани, в том числе горячей или холодной плазмой, электрокоагуляции и жидким азотом мега и микрореконструктивная хирургия при радикальных операциях с применеением тотальных имплантов. Оперативные вмешательства проводят с использованием передовых интервенционных методик, усовершенствуются применение 3D навигационных технологий при обработке послеоперационных дефектов и методах формирования трансплантатов для пластики их. Несмотря на проведенные исследования в настоящее время сообщения об использовании малоинвазивных методик основаны на небольшом клиническом материале, нет четко основанных показаний к использованию определенных методик в ранней диагностике и лечении пациентов с доброкачественными опухолями, опухолеподобными и воспалительными заболеваниями. Изложенное выше объясняет необходимость проведения исследований, направленных на определение показаний и тактики выполнения малоинвазивных диагностических и хирургических вмешательств у пациентов с доброкачественными опухолевыми и опухолеподобными заболеваниясм костей конечностей.

В нашей стране принимаются комплексные меры по повышению качества медицинских услуг до мировых стандартов, внедрению современных методов, в том числе по повышению качества медицинских услуг в травматологиии и ортопедии. В связи с этим получены положительные результаты в лечении заболеваний опорно-двигательной системы, включая своевременную диагностику различных вариантов заболеваний и хирургическое лечение. На

[3] https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions

основании стратегии развития перед населением, поставлена задача «...улучшения и повышения качества медицинской помощи...»[4], особенно определение перспектив хирургического лечения опухолевых и опухолеподобных заболеваний, повышение качества оказании медицинских услуг, улучшение качества жизни и разработка новых подходов к хирургическому лечению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени значения служит для выполненя, определенных задач Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-2866 от 4 апреля 2017 года, «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, «Об организационных мерах по внедрению передового зарубежного опыта в реформировании системы здравоохранения» за № 4159 от 5 февраля 2019 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

